



EFFECTS OF DIFFERENT CULTIVATION METHODS AND FERTILIZER NORMS ON THE GROWTH AND DEVELOPMENT OF MEAT

O.A.Amanov¹, A.Azizova²

¹ Southern Agricultural Research Institute Ph.D., Ph.D., ² PhD student

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5136922>

ARTICLE INFO

Received: 15th July 2021

Accepted: 20th July 2021

Online: 25th July 2021

KEY WORDS

nut, water, crop, soil, medium, seed, oil, percentage, protein, yield, emulsion, quantity, plant, starch, substance, experience.

ABSTRACT

Studies in the article have shown that different planting and fertilization rates of walnut crops in light gray soils change the development and growth of walnut plants.

ЕРЁНҒОҚНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТУРЛИ ЭКИШ УСУЛЛАРИ ВА ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

O.A.Amanov¹, A.Azizova²

¹ Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти қ/х.ф.д., к.и.х., ² таянч докторант

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-iyul 2021

Ma'qullandi: 20-iyul 2021

Chop etildi: 25-iyul 2021

KALIT SO'ZLAR

ерёнғоқ, сув, экин, тупроқ, восита, уруғ, мой, фоиз, оқсил, ҳосил, эмульсия, миқдор, ўсимлик, крахмал, модда, тажриба.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада олиб борилётган тадқиқотлар оч тусли бўз тупроқлари шароитида турли экиш ва ўғит меъёрларининг ерёнғоқ ўсимлиги ривожланишига ҳамда ўсишини ўзгариши кўрсатиб берилган.

Жаҳон бўйича ерёнғоқ экини мойли экинлар орасида олтинчи ўринни эгаллайди. Унинг уруғи таркибида 48-53 фоизгача ёғли мой ва 26-28 фоизгача оқсил миқдори бор [1.]

Ерёнғоқ экин майдони жаҳон бўйича 26,4 млн гектарни ташкил этади, ялпи ҳосил миқдори эса 37,1 млн. тонна

ва ўртача ҳосил 1,4 т/гани ташкил этиши маълум [2].

Ерёнғоқ экини нафақат мағзи мазали бўлиб, тўғридан-тўғри ва қовурилган ҳолда ҳам истеъмол қилиш мумкинлиги билан, уруғидан хуштағам ўсимлик мойи олиш мумкинлиги, поясидан беда пичанига яқин чорва



хайвонлари учун тўйимли пичан озикаси олиш мумкинлиги, энг муҳими шифобахш доривор ўсимлик сифатида қадим замонлардан буён халқ табобатида қўлланилмоқда [3].

Мевалари пўстида глюкоза билан аглюкон ҳамда бошқа моддаларга парчаланадиган арахидозид деган глюкозид бўлади. Ерэнғоқ уруғи бугунги кунда кўп учрайдиган камқонлик касаллигини даволашда, шунингдек уруғидан эмульсия тайёрлаш учун, мойи бодом мойи ўрнида дори моддалардан инъекцион эритма ҳамда учувчан суюқ суртмалар ва мингдевона мойи тайёрлашда қўлланилади. Уруғидан тайёрланган эмульсия бодом уруғи эмульсияси ўрнида меъда ва ичак касалликларида ични сурадиган, юмшатадиган, ўраб оладиган, оғриқ қолдирадиган майин дори тариқасида, шунингдек талвасага қарши восита сифатида ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, ерэнғоқ мағзи геморрагик диатез билан оғриб юрган болаларга даво қилишда яхши самарасини кўрсатиб қон таркибида тромбопластин ҳосил бўлишини кучайтиради [4].

Ерэнғоқ таркибида оқсиллар 37 фоиз, тритерпин сапонинлар, гликозид, арахидозид, лейкоделфенидил, бетаин,

холин, 17 фоиз глобулинлар, 17 фоизгача глютаминлар, 21 фоизгача крахмал, 7,5 фоизгача қандлар, аминокислоталар, шунингдек В, Е витаминлар, пантотенат кислота ва бошқа моддалар бор [5].

Тадқиқотлар қарши тумани Я.Омонов ММТП худудига қарашли институт тажриба майдонида оч тусли бўз тупроқлари шароитида ерэнғоқнинг “Мумтоз” навида асосий ҳамда такрорий экин сифатида етиштириш агротехнологиясини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бунга кўра, олиб борилаётган асосий экин сифатида етиштирилаётган ерэнғоқни турли экиш схемаси, ўғит меъёрлари ўғитсиз ҳамда ўғитли вариантлар бўйича тадқиқотлар таҳлил қилинди.

Тажрибада ерэнғоқ экини ўсиши ва ривожланиш даври фенологик кузатувлар олиб борилди. Фенологик кузатув натижаларига кўра, назорат (ўғитсиз) вариантда ерэнғоқ экини таҳлил қилинганда, икки хил 90x10 ва 90x20 экиш схемасида униб чиқиш даври 13 кунни ташкил этган бўлса, ўғитланган N₆₀P₉₀K₃₅ вариантыда 12 кунни, N₈₅P₁₂₀K₅₀ вариантыда 12 кунни, N₁₀₅P₁₅₀K₆₅ вариантыда 13 кунни ташкил этганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Ерэнғоқ экинини турли ўғит меъёри ва экиш схемаларида фенологик кузатув натижалари (2021 й).

Ўғитмеъёри	Экишсхемаси	Экилганкунни, сана	Унибчиқиш, сана.	Кун	Чин баргхосилбўли ш,сана	Кун	Шоналаш, сана.	Кун	Гуллаш, сана.	Кун
Ўғитсиз (назорат)	90x10	15.апр	28.апр	13	06.май	8	15.май	8	24.май	9
	90x20	15.апр	28.апр	13	6 май	8	14.май	8	25	9



									май	
N ₆₀ P ₉₀ K ₃₅	90x10	15.апр	28.апр	13	6 май	8	15.май	9	23 май	8
	90x20	15.апр	27 апр	12	5 май	8	15.май	10	25 май	10
N ₈₅ P ₁₂₀ K ₅₀	90x10	15.апр	27 апр	12	6 май	9	14.май	8	23 май	9
	90x20	15.апр	27 апр	12	6 май	9	14.май	8	24 май	10
N ₁₀₅ P ₁₅₀ K ₆₅	90x10	15.апр	28 апр	13	6 май	8	15.май	8	23 май	8
	90x20	15.апр	28 апр	13	5 май	7	14.май	9	23 май	9

Вариантлардан N₆₀P₉₀K₃₅ экиш схемаси 90x10 таҳлил қилинганда, ерэнғоқ экинда 8 кундачин барг ҳосил бўлган бўлса, шоналаш даври 8 кунни, 11 кунда гуллаш даврига ўтганлиги маълум бўлди.

Худди шундай N₆₀P₉₀K₃₅ ўғитли вариант 90x20 экиш схемасида тадқиқотларда униб чиқиш 12 кунни ташкил этганлиги маълум бўлди. Чин барг ҳосил бўлиши эса 9 кунни, шоналаш даври 9 кунни, 8 кунда гуллаш даврига, 13 кунда эса уруғ униб чиқишга ўтди.

Ерэнғоқда 7 кунда чин барг ҳосил бўлган бўлса, шоналаш даври учун 9 кун, 10 кунда гуллаш даврига, ўғитланган N₈₅P₁₂₀K₅₀ вариантыда 90x10 экиш схемасида 12 кунда уруғ унганлиги маълум бўлди. Тажрибада 9 кунда чин барг ҳосил бўлган бўлса, шоналаш даври учун 9 кун, гуллаш даври учун 9 кун, ўғитли N₈₅P₁₂₀K₅₀ варианты 90x20 экиш схемасида 12 кунда экилган уруғлар униб чиқишга ўтганлиги маълум бўлди.

Олиб борилган тадқиқотларда ерэнғоқ ўсимлигида 9 кунда чин барг ҳосил қилишга ўтган бўлса, шоналаш

даври 8 кунда, 10 кунда гуллаш даврига, ўғитли N₈₅P₁₂₀K₅₀ вариантыда 90x10 экиш схемасида 12 кунда униб чиқиш кузатилди. Ерэнғоқ ўсимлигида 9 кунда чин барг, шоналаш даври 8 кунни, гуллаш даври 10 кунни ташкил этганлиги маълум бўлди.

Ўғитли N₈₅P₁₂₀K₅₀ вариантда 90x20 экиш схемада етиштирилган ерэнғоқ ўсимлиги таҳлил қилинганда, тупроққа экилган ерэнғоқ уруғи 12 кунда униб чиқишга ўтганлиги фенологик кузатилди. Ерэнғоқ ўсимлигида чин барг ҳосил бўлиши 9 кун, шоналаш даври 8 кунни, гуллаш даври 10 кунни ташкил қилганлиги маълум бўлди.

Тажрибаларда ўғитли N₈₅P₁₂₀K₅₀ вариантда 90x10 экиш схемасида етиштирилаётган ерэнғоқ экин фенологик таҳлил қилинганда, экилган уруғ 12 кунда униб чиқишга ўтди. Чин барг ҳосил бўлиши эса 7 кунда, ерэнғоқ ўсимлигида шоналаш даври 9 кунни, гуллаш даври 9 кунни, ўғитли N₈₅P₁₂₀K₅₀ вариантда 90x20 экиш схемасида 12 кунда униб чиқишга ўтган бўлса, 9 кунни чин барг ҳосил бўлиши 8 кунни, ерэнғоқ ўсимлиги гуллаш даври 10



кунни ташкил этганлиги фенологик таҳлил қилинди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, оч тусли бўз тупроқлари шаротида асосий экин сифатида ерёнғоқ етиштириш агротехнологиясини ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда турли экиш схемалари

бўйича назорат (ўғитсиз) вариантларига нисбатан тупроққа турли экиш схемаси ва турли ўғит меъёрларининг таъсирида тажрибада ўрганилаётган ерёнғоқнинг ўсиши ва ривожланишида катта фарқлар кузатилмади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Атабаева Х.Н, З.У Умаров, Ҳ.Ч. Бўриев ва бошқалар. «Ўсимликшунослик», «Меҳнат» нашриёти, 2000 й. 241 – 243 б.
2. ICARDA в Центральной Азии и Закавказье. Р.О. Вох 5466, Aleppo, 2009. Syria.
3. Орипов Р.О, Халилов Н.Х. «Ўсимликшунослик» ўсимликлар файласуфлари миллий нашриёти, «Тошкент - 2007», 371 – 375 б.
4. М. Мухторов “1000 дардга 1000 даво” шифобахш ўсимликлар билан даволаш. “Насаф” нашриёти – 2009, 50-51 бетлар.
5. Ҳ.Х. Холматов, А. И. Қосимов “Доривор ўсимликлар” Тошкент – 1994, 72-73 б.